



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 10 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 10

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 10



ТОШКЕНТ-2020

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожинова Дилором Бобожинова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телавский государственный
университет, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон Давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Захидова Саҳоват
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори, доцент
Наманган давлат университети

Махкамов Қодиржон Одилжонович
PhD, доцент в.б.
Наманган давлат университети

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1. Равшан Ҳалимович Акбаров ТУРКИСТОНДА БУТУНРОССИЯ ТАЪСИС МАЖЛИСИГА САЙЛОВЛАРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ (ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	4
2. Улуғбек Қўчқорович Исмоилов ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ВА ХАЛҚИМИЗНИНГ ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИГИ.....	11
3. Salamat Mamanuli Ktaybekov LIU ZHI JUANNING "IPAK TARIXI" ASARIGA TARIXIY NIGOH.....	19
4. Saidamirxon Mahmudov ZAMONAVIY TARAQQIYOTNING YANGI BOSQICHIDA KOREYA-O'ZBEKISTON HAMKORLIGINING ISTIQBOLLARI.....	24
5. Orifxo'ja Odilovich Mo`minov ARXELOGIYADA QADIMGI HUDUDLAR LANDSHAFTLARINI TUZISHDA GATNING O'RNI.....	31
6. Орифа Зулфикоровна Норова МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИНИНГ МУЗЕЙШУНОСЛИК МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	38
7. Жаҳонгир Давлатович Остонов БУХОРО ИНҚИЛОБИ ЁХУД КОММУНИСТИК ИНТЕРВЕНЦИЯ? БУХОРО ВОҚЕАЛАРИГА ЯНГИЧА ҚАРАШ.....	44
8. Мархабо Давлатовна Пардаева ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН КУРАШИШДА МУТАФАККИР ЖАДИДЛАР ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	51
9. Рустамжон Султонмуродович Солиев ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА.....	58
10. Юлдуз Бобокуловна Турсунова ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН МУСУЛМОНЛАР ДИНИЙ ИДОРАСИ ТАРКИБИНИНГ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА АКС ЭТИШИ.....	62
11. Санъат Ҳайитбоевич Хўжамов ТОШКЕНТДАН ТОПИЛГАН ЯНГИ КУФИЙ ДИРҲАМ ТАНГАЛАР.....	69
12. Наргиза Ғаниевна Қаландарова БУХОРО ШАҲРИ АРХИТЕКТУРА ОБИДАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....	75

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Юлдуз Бобокуловна Турсунова,
Мустақил тадқиқотчи
aaa378@mail.ru

ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН МУСУЛМОНЛАР ДИНИЙ ИДОРАСИ ТАРКИБИНИНГ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА АКС ЭТИШИ

For citation: Yulduz B. Tursunova, DISPLAYING THE COMPOSITION OF THE SPIRITUAL ADMINISTRATION OF MUSLIMS OF CENTRAL ASIA AND KAZAKHSTAN IN ARCHIVAL DOCUMENTS. Look to the past. 2020, vol. 10, issue 3, pp.62-68

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-10-10>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси ташкил этилгандан кейин, унинг таркибига қирадиган масжид ва мадрасалар, мақбара, авлиёлар зиёратгоҳлари, мазорлар, хонақоҳ ва муқаддас қадамжолар ва уларнинг олиб борган ишлари ҳақида ёзилган.

Калит сўзлар: масжид ва мадрасалар, мақбара, авлиёлар зиёратгоҳлари, мазорлар, хонақоҳ, муқаддас қадамжолар, диний идора, Мир Араб, Кўкалдош.

Юлдуз Бобокуловна Турсунова,
независимый исследователь

ОТОБРАЖЕНИЕ СОСТАВА ДУХОВНОГО УПРАВЛЕНИЯ МУСУЛЬМАН СРЕДНЕЙ АЗИИ И КАЗАХСТАНА В АРХИВНЫХ ДОКУМЕНТАХ

АННОТАЦИЯ

В этой статье описываются мечети и медресе, мемориалы, святыни, могильники, священные места и их деятельность после создания Центральноазиатского и Казахстанского религиозного управления мусульман.

Ключевые слова: мечети и медресе, мемориалы, могильники, священные места, религиозные учреждения, Мир арабский, Кукельдаш.

Yulduz B. Tursunova,
independent researcher

DISPLAYING THE COMPOSITION OF THE SPIRITUAL ADMINISTRATION OF
MUSLIMS OF CENTRAL ASIA AND KAZAKHSTAN IN ARCHIVAL DOCUMENTS

ABSTRACT

This article describes mosques and madrassas, memorials, shrines, cemeteries, sacred places, and their activities after the establishment of the Central Asian and Kazakh Religious Administration of Muslims.

Index Terms: mosques and madrassas, memorials, shrines, cemeteries, sacred places, religious offices, Mir Arab, Kukeldash.

1. Долзарблиги:

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида тарихни объектив ва холисона ўрганиш, Россия империяси мустамлакаси, совет мустабид тузуми даврларини янгидан тадқиқ қилиш, жумладан “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи”ни ўрганиш борасида бир қатор илмий ютуқлар қўлга киритилди. Аввало, биринчи президентимиз И.А.Каримовнинг фармони билан 1990 йил ёзидан бошлаб Республика мўмин мусулмонлари Макка ва Мадина шаҳарларига ҳаж зиёратига бориш ҳуқуқига эга бўлдилар. Истиқлол йилларида совет ҳокимиятининг тоталитар бошқарув тизими заминиди, ҳатто номини тилга олиш таъқиқланган, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари дам олиш куни деб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 майдаги қарори билан Тошкентда Халқаро ислом тадқиқот маркази ташкил этилди, 1999 йилдан бошлаб пойтахтимизда Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган Тошкент Ислом Университети ташкил этилиб, ёшларимизга ислом тарихи ва маданиятидан олий таҳсил беришда муҳим роль ўйнай бошлади. 1998 йилнинг 1 майидан амалга киритилган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси қонунида диний муассаса ва ташкилотлар мақоми ҳам аниқ қилиб белгилаб берилди.

Аммо масаланинг ижобий жиҳатлари билан бирга салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Совет мустамлакаси даврида ислом дини турли сиёсий кучларнинг қўлида асосий қуролга айланиб қолди. Бунинг бош сабабаларидан бири эса, диний таълимнинг етарли эмаслиги, ислом дини асосларининг бузиб талқин этилишидир. Шу жиҳатдан, диний муассалар фаолиятининг тарихий жараёнлардаги ўрнини алоҳида кўриб чиқиш, дин ва диндорларга қандай муносабатда бўлинганлиги, ушбу сиёсатнинг асл мақсад-моҳиятини англаш, ундаги жараёнларни ўзига хос жиҳатлари, унинг оқибатларини архив манбалари асосида таҳлил этиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолада тарихий изланишлар олиб боришнинг тарихийлик, объективлик, холисоналик, тизимлилик, қиёсийлик, мантиқийлик каби методлар ёритилган бўлиб, унда совет ҳукумати томонидан мусулмон диний ташкилотларни, масжидларни, мадрасаларни, тарихий обидаларни очишга рухсат берилиши ва улар ҳуқуқларининг кескин чекланганлиги, уларнинг фаолиятини доимо назорат остида ушлаб турганлиги манбалар асосида ўрганилиб, таҳлил қилинди. Шунингдек, архив ҳужжатларига танқидий ёндашилган ҳолда совет ва партия органлари томонидан тузилган ҳамда расмийлаштирилган ҳужжатлар коммунистик мафкура талабларидан келиб чиқиб тайёрланганлиги ҳисобга олинди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон диний муассаса ва ташкилотлар фаолиятига совет ҳокимиятининг муносабати ўз даврида эълон қилинган расмий ҳужжатларда, ижтимоий-сиёсий тавсифдаги адабиётларда ўз аксини топган. Уларни таҳлил қилиш, танқидий ўрганиш орқали ўзига хос хусусиятларини очиб бериш ҳозирги куннинг талабидир. Ўзбекистондаги мусулмон муассаса ва ташкилотлар фаолияти юзасидан турли кўринишдаги адабиётлар ва тадқиқотлар яратилган бўлиб, унда диний муассасаларнинг муайян томонлари ўрганилган. Мавзу тарихшунослигига оид илмий-тадқиқот ишларини совет даврида олиб борилган тадқиқотларга ва мустақиллик йилларида яратилган тадқиқотларга бўлиш мумкин ва уларни алоҳида таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Совет давридаги тадқиқотлар совет ва партия органлари томонидан буюртма берилиб, коммунистикмафкура талаблари асосида ёзилган.Бу даврга оид бир қатор тарихчилар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Ғ.Пўлатов, Ғ.Исҳоқов, Т. Саидбаев,Т. Саксонов, О.

Сухарева, М. Жалолов, А. Аҳмедов, Р. Мавлютов, У. Юсупов каби муаллифлар ўз илмий ишларида ислом дини тарихи борасида фикрларни коммунистик мафкура нуқтаи- назаридан ёритганлар[1]. Уларнинг тадқиқотларда совет ҳукуматининг атеизм ва даҳрийлик сиёсати кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг жамият ҳаётида кўпгина ўзгаришлар рўй берди. Тадқиқотчиларга ҳам илгари кўпчилик учун ёпиқ бўлган архив ҳужжатлари ва бошқа манбалардан кенг фойдаланиш имкониятини берди. Бу жараёнлар Ўзбекистонда ислом дини ва муассасаларига нисбатан совет ҳукумати томонидан олиб борилган даҳрийликдан иборат сиёсатининг айрим жиҳатлари тадқиқотчилар томонидан таҳлил қилинган. Жумладан, Б. Бабаджанов, А. Мўминов, У.Ғафуров, А.Тоғаева, Р.Юсупов, А.Салмонов, Ҳ.Йўлдошхўжаева, Х.Абдурасулова, Н.Мустафаева, З.Халилова каби тарихчилар тадқиқотларида ислом дини тарихининг айрим масалаларини ўрганганлар ва уларнинг тадқиқотларида ўрганилаётган муаммога оид қимматли маълумотлар мавжуд[2]. Уларнинг тадқиқотларида Ўзбекистон мусулмон муассаса ва ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ маълумотлар берилиб, совет ҳокимиятининг дин ва диндорларга нисбатан олиб борган даҳрийлик сиёсати мазмун-моҳияти баён қилинган.

3. Тадқиқот натижалари:

Совет ҳокимияти ўрнатилиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлар диний идораси ташкил этилгунга қадар, ўн йиллар давомида масжид ва мадрасалар, мақбара, авлиёлар зиёратгоҳлари, мозорлар, хонақоҳ ва муқаддас қадамжолар қаровсиз қолиб кетган эди. Кўпгина муқаддас қадамжолар вайронага, баъзи масжид ва мадраса бинолари отхоналарга айлантирилган, ҳатто баъзилари вино-ароқ, пиво ишлаб чиқариш корхонасига айлантирилиб, таҳқирланган эди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлар диний бошқармаси ташкил этилгандан кейин, аста-секинлик билан диний идора ташаббуси ва халқнинг ҳоҳиш-истакларига биноан муассаса таркибига кирувчи ташкилотлар ҳам очила бошлади. Янги диний марказни молиявий таъминлаш мақсадида собиқ беш республиканинг йирик шаҳар ва вилоятларида битта-биттадан масжид очилишига рухсат этилди. Бир неча йиллар дину диёнатдан маҳрум этилган халқ хароба ҳолга келиб қолган масжидларни таъмирлашга киришдилар. Чунки масжидларнинг очилишига рухсат этилишининг ўзиёқ улар учун тарихий воқеа эди. 1943-1945 йиллари Россия, Кавказорти, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари муфтийлари ўз минтақаларида масжид ва мадрасалар очишга киришган. Натижада, 1944 йил охири ва 1945 йил бошларида Тошкентда 26 та, Андижонда 41 та, Наманганда 31 та, Сурхондарёда 10 та, жами бўлиб 108 та масжид мусулмонлар томонидан қурилган ва таъмирланган [3].

Диний бошқарма ўз фаолияти давомида бир қатор қийинчиликларга ҳам дуч келган. 1941-1946 йилларда диний идораси таркибида 8 та масжид бўлган. Мана шу масжидларда ишлайдиган ишчиларига ҳақ тўлашда диний идора бир қатор қийинчиликларга дуч келган. Ўша даврни эслаб диний идора ишчилари қўйидагиларни гапирган: “Ўша даврларда одамлар масжидларга кам келарди ва Ўрта Осиё мусулмонлар идораси доимий равишда маблағга муҳтож бўлган ва биз одамларни меҳнатга жалб қилиш учун жуда кўп ҳаракат қилишимизга тўғри келди. Бизнинг жарчиларимиз бозор ва одамлар кўп йиғиладиган жойларда дўмбира, сурнайлар билан диний маросимларнинг қайси кунлари бўлишини хабарини берганмиз ва шулар эвазига эхсонларга эга бўлганмиз[4].” Бундан кўринадики, диний идоранинг молиявий аҳволи ҳам қониқарли бўлмаган. Жойларда диний бошқарманинг рухсатсиз масжид-мадрасалар очилаётганлиги, баъзи бир диний муассасаларда имом-хатиблар ўзбошимчалик билан сайланаётганлиги каби ҳолатлар архив ҳужжатларида қайд этилган.

Малакали мутахассис имомларни, уламоларни тайёрлаш, қатағонлик даврида қурбон бўлган ёки қувғин қилинган диндор мутахассислар ўрнини тўлдириш, диний китоблар, газета-журналлар нашр этиш жуда муҳим вазифа бўлган. Шунинг учун Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идорасининг диний кадрлар тайёрлаш зарурияти ҳақидаги талабларини ўрганиб чиқиб, 1945 йилнинг 14 мартда Бухоро вилоят ижроия қўмитасига вилоятдаги тарихий биноларидан бирини диний билим юрти очиш учун диний назорат

ихтиёрига беришни топширади. Вилоят раҳбарияти, ўз навбатида, Бухородаги қадимий обидалар: Чор Бакр, Абдуллохон ва Мир Араб мадрасаларининг биноларини тавсия этади[5]. Диний бошқарма ўқув бинолари учун диний билим юртларига азалдан Ўрта Осиёда илм марказлари бўлган Бухородаги Мир Араб, Тошкентдаги Кўкалдош мадрасалари бинолари бўшатиб берилди[6]. Адабиётларда ва архив ҳужжатларида СССР ХКСнинг 1945 йил 10 октябрдаги 4808-р сонли фармойишига кўра диний назоратга иккита диний билим юрти очишга рухсат берилди ва Мир Араб мадрасаси расман ишга туширилди, дейилади[7]. Дастлаб мадрасага йигирма нафардан кўп талаба қабул қилмаслик шарти қўйилади. 1945 йил 25 майда СССР ХКС қошидаги диний ишлар кенгашининг раиси И.В. Полянскийга ёзилган мактубда: “иш бошлайдиган диний билим юртларида Тошкентда-30 ўқувчи, Бухорода-60 ўқувчи, жами 90 ўқувчи қабул қилиниши” хабар қилинади. Хабарномада эндигина иш бошлайдиган билим юртларининг ўқув режаси, уларда ўқитиладиган фанлар ҳақида маълумот келтирилади[8].

Ҳар иккала мадрасанинг очилиши, уларда диний ва дунёвий илмларнинг бирдай ўқитилишини ташкиллаштиришда Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохоннинг хизматлари бекиёсдир. Тошкентдаги Бароқхон мадрасаси Бухородаги Мир Араб мадрасасидан мадраса биноси билим юрти учун яроқли бўлмаганидан бир неча йилдан сўнг яъни 1958-1959 йилларда ишга туширилади. Ишга туширилгунча мадраса биноси кўрлар жамиятига қарашли бўлиб, бу ерда 24 оила истиқомат қилган[9]. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати томонидан мазкур оилалар яшаши учун янги турар жой биноси қуриб берилади[10]. Бунгача 1949 йил 15 августда СССР ХКСнинг № 12800-р фармойиши билан Тошкентда диний таълим муассасаси очиш учун берилган рухсат бекор қилинади[11].

1943 йил октябрда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ташкил қилингандан кейин ташкилот иттифок ҳукуматидан тарихий диний аҳамиятга эга бўлган мазорларни диндорларга қайтариб беришни сўраб мурожаат қилади. Муқаддас жойлар, масжидлар сингари ташкилотлар СССР ХКС рухсати билан очилар эди. Бошқарманинг аризаси асосида ЎзССР Халқ Комиссарлар Совети раиси 1944 йил 19 сентябрда СССР ХКС ҳузуридаги диний ишлар бўйича кенгашга қўйидаги мазмундаги хатни юборган: "Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ва мусулмон диндорлари илтимоси муносабати билан ЎзССР ХКС мусулмон диндорларига қўйидаги диний арбоблари мазорларини мусулмон диндорларига зиёрат қилиш учун ибодат қиладиган бинолари билан қайтариб бериш мумкин деб ҳисоблайди:

1. Ҳазрати Баҳоуддин — Бухоро вилоятида,
2. Шоҳизинда - Самарканд шаҳри Когон туманида,
3. Ҳаким Термизий — Термиз шаҳрида,
4. Султон бобо - Қорақалпоғистон АССРда,
5. Шоҳимардон Фарғона вилоятида,
6. Муҳаммад Каффол Шоший - Тошкент шаҳрида,
7. Полвон-ота - Хива шаҳрида.... [12].

СССР ХКС ҳузуридаги Диний ишлар бўйича кенгаши 1945 йил 29 январда Ўзбекистон ХКС ҳузуридаги ишлар бўйича кенгаши вакиллигига йўлланган хатида ЎзССР ХКС еттига мазорни Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси СССР ХКС нинг 1945 йил 28 январдаги фармойиши[13] билан қолдирилганлиги хабар қилинади.

1950-йилларнинг иккинчи ярмида ва 60-йилларда дин ва динга муносабат билан боғлиқ бир қатор қарорлар қабул қилинди. КПСС Марказий Комитети 1960 йил 13 январда "Диний маросимлар ҳақидаги совет қонунларининг диндорлар томонидан бузилишини тугатиш тартиблари тўғрисида" қарор қабул қилган. Бу қарорни амалга оширишга қаратилган 1960 йил 4 февралдаги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг "Диний маросимлар тўғрисидаги совет қонунларини бузиш фактлари тўғрисида"ги қарорида диндорларга хизмат қиладиган аппаратни ортикча кўпайтириб юборган, ибодатхоналарни кенгайтирган ва асосиз таъмирлаган, деб танқид қилинади .

Муқаддас жойларга, уларни зиёрат қилишга қарши кураш КПСС МКнинг 1958 йил 28 ноябрдаги "Муқаддас жойларни зиёрат қилишни тугатиш бўйича чоралар тўғрисида"ги қароридан кейин айниқса кучайди. Бу қарорга асосан, барча муқаддас жойлар ёпилиши керак эди. Ўзбекистон диний ишлар бўйича кенгаш вакилининг маълумотига кўра, республикада 1959 йил 30 майгача ҳисобга олинган "Муқаддас жойлар" 176 та эди. Шулардан 138 та муқаддас жой ёпилган эди[14]. Ўзбекистон диний ишлар бўйича вакилининг 1962 йил 4 февралдаги маълумотига мувофиқ, 1960 йил 1 январда республикада фаолият кўрсатган муқаддас жойлар 295 та бўлган. 1960-1961 йилларда қўрилган чоралар туфайли 245 та муқаддас жойлар ёпилган. 1962 йил 1 январда республикада фақат 49 та муқаддас жойлар фаолият кўрсатган[15].

1970 йили Фарб мамлакатлари жаҳонга советларнинг динсиз эканини, диндорларнинг барча диний эътиқодлари чегараланганлигини айтаётганини инобатга олиб, совет ҳукумати "виждон эркинлиги таъминланганини" кўрсатиш мақсадида тезлик билан Уфа, Боку, Бўйнакск ва, хусусан, Тошкентдаги диний идораларнинг фаолиятини кенгайтиришга ва улар воситасида Тошкент шаҳрида ҳам Ислом олий маҳадини (ҳозирги Имом Бухорий номидаги Ислом институтини) очишга, 1969 йили диния назорати қошида халқаро алоқалар бўлими ва тўрт тилда ("Совет Шарқи мусулмонлари") номли журнал чоп этишга, Қуръони каримни ва Имом Бухорийнинг "Ал- Жомеъ ас- саҳиҳ" ва "Ал – Адаб ал - муфрад" асарларини араб тилида нашр қилишга, Иттифоқ бўйича йигирма беш нафар мусулмонларни ҳажга юборишга ва халқаро анжуманлар ўтказишга рухсат этилди[16]. Шунингдек, Ўзбекистондаги рўйхатга олинган масжидлар сони 1978 йилда 70 та, 1979 йилда 71 та, 1980 йилда 74 та, 1981 йилда 78 та, 1982 йилда 80 та, 1983 йилда 80 та, 1984 йилда 82 тага кўпайтирилган. Шу давр ичида рўйхатга олинмаган ва фаолият кўрсатаётган масжидлар сони 90 тадан 46 тага камайган. 1978-1984 йиллар мобайнида рўйхатга олинган диний маросимларни бажаришга рухсат берилган диний арбоблар миқдори 221 нафардан 299 нафарга кўпайган. Рўйхатга олинмаган норасмий фаолият кўрсатаётган диний арбоблар сони ўша даврда 1300 нафардан 518 нафарга камайган[17]. Юқорида келтирилган фактлардан кўришиб турибдики, 1978-1984 йилларда расмий масжидлар миқдори 12 тага кўпайган бўлса, норасмий масжидлар сони 44 тага камайган. Расмий диний арбоблар сони 78 нафарга ортган бўлса, норасмий диний арбоблар 782 нафарга камайган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Совет давлатининг ислом дини ва Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлар идораси таркибига кирувчи муассасалар иш фаолиятига муносабати сиёсий вазият тақозоси билан доимий тарзда ўзгариб турган. 1944 йилдан архив ҳужжатларига кўра, совет давлатининг дин соҳасидаги сиёсати (диний тузилмаларнинг ташкил этилиши, масжид – мадраса, муқаддас қадамжолар, босмаҳона ва бошқ.) мусулмонларга берилган "виждон эркинлиги"нинг кўриниши сифатида намоён бўлди. Аслида эса уларга нисбатан танқидий муносабатда бўлинган. Жумладан, Совет тузумининг тазйиқ ва кескинликлари Диний бошқараманинг ички ва ташқи фаолиятига таъсири, диний бошқарма таркибидаги муассасаларнинг мустақил иш олиб боришларига тўсқинлик қилган. Совет ҳукумати уруш йилларида расман диний идора таркибига кирувчи муассасалар очишга рухсат берган, лекин амалда уларнинг фаолиятини имкон қадар чеклаган. Муассасалар диндорларнинг аризасига асосан республика ҳукуматининг қарори, совет ташкилотлари ва Диний назорат хулосалари асосида диний ишлар бўйича кенгаш тавсияси билан СССР Министрлар Совети қарори билан очилган. Архив манбаларига кўра, 1960 йиллардан кейин совет ҳукуматининг чекловлари диний муассасанинг молиявий иқтисодиётига катта зарар келтирган. Шунинг учун кўпгина исломий муассасалар мустақиллик йилларигача қаровсиз қолиб кетган.

Айтиш мумкинки, совет давлати диний муассасаларга нисбатан турлича сиёсат олиб борган бўлсада, Диний бошқарма томонидан олиб борилган тадбирлар ўз замонасига ҳос ислом маданиятининг сақланиб қолишига сабаб бўлган.

Иқтибослар/ Сноски/References:

- [1] Пўлатов Ф.Эътиқодлар кураши. - Т., 1964; Исҳоқов Ф.Ислом динининг хотин-кизларга муносабати. - Т., 1970; Юсупов У. О. Религии и антирелигиозной пропаганде. – Ташкент, 1940. – 42 с.; Сухарева О.А. Ислам в Узбекистане. – Ташкент, 1960. -85 с.; Мавлютов Р.Р. Ислам. – М., 1974. – 168 с.; Саксонов Т.Маданият ёдгорликлари ва атеистик пропаганда. -Т., 1982; Саидбаев Т.С. Ислам и общество. Опыт историко-социологического исследования. – М., 1984. – 302 с.; Ахмедов А. Ислам и современной идейно политической борьбе. – М., 1985. – 240 с.; Джалолов М. В тени ислама. – Ташкент, 1987. – 104 с.; Саидбаев Т.С. Диалоги об исламе. – Ташкент, 1988. – 74 с. (Pulatov F. Struggle of beliefs. - Т., 1964; Iskhakov F. The attitude of Islam to women. - Т., 1970; Yusupov U. O. Religion and anti-religious propaganda. - Tashkent, 1940 .- 42 p.; Suksareva O.A. Islam in Uzbekistan. - Tashkent, 1960.-85 p.; Mavlyutov R.R. Islam. - М., 1974 .-168 p.; Saxonov T. Cultural Monuments and Atheistic Propaganda. -Т., 1982; Saidbaev T.S. Islam and Society. The experience of historical and sociological research. - М., 1984 .-302 p.; Akhmedov A. Islam is a modern understanding of political struggle. - М., 1985 .-240 p.; Jalolov M. In the shadow of Islam. – Tashkent, 1987 .-104 p.; Saidbaev T.S. Dialogues about Islam. - Tashkent, 1988 .- 74 p.)
- [2] Бабаджанов Б.О фетвах САДУМ против “неисламских” обычаев// Ислам на постсоветском пространстве: взгляд изнутри. Под ред. А. Малашенко и М. Олкотт.- М.: Арт- Бизнес – Центр, 2001. – С. 170- 184. ; Гафуров У. Тошкент ислом институти: Барокхондан Имом Бухорийгача // Тошкент Ислом университети илмий-таҳлилий ахборотномаси. 2002, 1- сон. – Б. 8-13; Ўша муаллиф. Ўзбекистонда диний таълим тарихини ўрганиш масалалари// Тошкент Ислом Университети илмий- таҳлилий ахборотномаси. 2003, 3 – сон.- Б. 32-36.; Тоғаева А.З. Фарғонада дин ва диний муассасалар тарихидан (1940- 1950) // Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Республика илмий анжуман материаллари. Фарғона, 2009. – Б. 364-368; Ўша муаллиф. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси (САДУМ) тарихидан// ”Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари ёш олимлар тадқиқотларида: асосий йўналишлар ва ёндашувлар” мавзусидаги анъанавий конференция материаллари. – Тошкент, 2010, 24-25 май.- Б. 223-227.; Ўша муаллиф. 1940-1970 йилларда Ўзбекистонда диний таълим тизими ҳолати // Ўзбекистон халқининг дини, маданияти ва урф- одатлари: тарих ва ҳозирги замон. Илмий тўплам. – Тошкент, 2011. – Б. 116-120.; Салмонов А.М. Ўзбекистонда мусулмон диний муассаса ва ташкилотлар фаолияти тарихи (1917- 1950).: Тарих фан. ном... дисс. – Тошкент: Мирзо Улуғбек номидаги миллий ун-ти, 2008. – 156 б.; Юсупов Р.М. Ўзбекистонда XX асрнинг 40- 80 йилларида мусулмон диний ташкилотлари ва уламолар фаолияти (МДА маълумотлари асосида): Автореф. Тарих фан. ном. – Тошкент; Ўзбекистон миллий ун-ти, 2008. – 33 б.; Йўлдошхўжаев Х., Қаюмова И. Ўзбекистон Уламолари.- Тошкент: Movarounnahr/ 2015/ - 496 б.(Babadjanov B.O. fetvax SADUM against “neislamskix” customs // Islam in the post-Soviet space: an inside view. The pod is red. A. Malashenko and M. Olcott. - М.: Art-Business - Center, 2001. - p. 170-184.; Gafurov U. Tashkent Islamic Institute: from Barakhan to Imam Bukhari // Scientific-analytical bulletin of the Tashkent Islamic University. 2002, 1-son. - B. 8-13; This author. Problems of studying the history of religious education in Uzbekistan // Scientific-analytical bulletin of the Tashkent Islamic University. 2003, 3 - son. - B. 32-36.; Togaeva A.Z. From the history of religion and religious institutions of Fergana (1940-1950) // History of the Fergana Valley in new studies. Materials of the republican scientific conference. Fergana, 2009. - B. 364-368; This author. From the history of the Spiritual Administration of Muslims of Central Asia and Kazakhstan (SADUM) // Materials of the traditional conference "Topical issues of the history of Uzbekistan in the research of young scientists: main directions and approaches." - Tashkent, 2010, May 24-25. - B. 223-227.; This author. The state of religious education in Uzbekistan in 1940-1970 // Religion,

- culture and customs of the people of Uzbekistan: history and modernity. Scientific collection. – Toshkent, 2011. -- В. 116-120.; Salmonov A.M. History of Muslim Religious Institutions and Organizations in Uzbekistan (1917-1950): History. no ... diss. - Tashkent: National University named after Mirzo Ulugbek, 2008. -156 p.; Yusupov R.M. Activities of Muslim religious organizations and scientists in Uzbekistan in the 40-80s of the XX century (based on the materials of the MDA): Author's abstract. Candidate of Historical Sciences. - Tashkent; National University of Uzbekistan, 2008. - 33 p.; Yuldoshhodzhaev H., Kayumova I. Ulema of Uzbekistan. –Tashkent: Movarounnahr / 2015 / - 496 p.;
- [3] Ўз МА, Р- 2456-жамғарма, 1-рўйхат, 5-йиғмажилд, 44 varaқ (UzMA, R- 2456-fund, 1st list, 5th collection, 44 pages).
- [4] ЎзМА, Р- 2574-жамғарма, 1-рўйхат, 37-йиғмажилд, 10 varaқ (UzMA, Fund R-2574, List 1, Collection 37, 10 pages)
- [5] ЎзМА, Р- 2456-жамғарма, 1-рўйхат,59-йиғмажилд, 7 varaқ (UzMA, Fund R-2456, List 1, Collection 59, 7 pages)..
- [6] Салмонов А.“Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати: уйдирма ва тарих ҳақиқати” - Тошкент: Тафаккур, 2015.- Б.116.ЎзР МДА, Р- 2456-жамғарма, 1-рўйхат,52-йиғмажилд, 39 varaқ (Salmonov A. “Religious policy of the Soviet power in Uzbekistan: fiction and historical truth” - Tashkent: Tafakkur, 2015.- P.116. MDA UzR, R-2456-fund, list 1, collection 52, 39 pages).
- [7] ЎзМА, Р- 2456-жамғарма, 1-рўйхат,268-йиғмажилд, 167 varaқ (UzMA, Fund R-2456, List 1, Collection 268, 167 pages).
- [8] Салмонов А.“Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати: уйдирма ва тарих ҳақиқати” – Тошкент: Тафаккур, 2015.- Б.116. ЎзРМДА, Р- 2456-фонд, 1-рўйхат,52-йиғмажилд, 38 varaқ (Salmonov A. “Religious policy of the Soviet government in Uzbekistan: fiction and historical truth” – Tashkent: Tafakkur, 2015.- P.116. UzRMDA, R-2456-fund, list 1, collection 52, 38 pages).
- [9] ЎзМА, Р-2456-жамғарма, 1-рўйхат,500-йиғмажилд, 44 varaқ (UzMA, R-2456-fund, 1st list, 500-volume, 44 pages).
- [10] ЎзМА, Р- 2456-жамғарма, 1-рўйхат,500-йиғмажилд, 49 varaқ.
- [11] ЎзМА, Р- 2456-жамғарма, 1-рўйхат,268-йиғмажилд, 167 varaқ (UzMA, Fund R-2456, List 1, Collection 268, 167 pages)
- [12] ЎзМА. Р-2456-жамғарма, 1 -рўйхат, 19-йиғмажилд, 3-varaқ(UzMA. R-2456-fund, 1 -list, 19th collection, 3rd sheet)
- [13] ЎзМА. 837-жамғарма, 32-рўйхат, 4613-йиғмажилд, 11-varaқ(UzMA. Fund 837, List 32, Collection 4613, Page 11).
- [14] ЎзМА. Р-2456-жамғарма, 1 -рўйхат, 263-йиғмажилд. 197 - varaқ; Шарипов Э., Бозоров Э. "Муқаддас" жойлар тўғрисида ҳақиқат -Т.: Ўзбекистон, 1976. –Б. 56 (UzMA. R-2456 Fund, List 1, Collection 263. 197 - sheet; Sharipov E., Vozorov E. The truth about "sacred" places -Т .: Uzbekistan, 1976. –P. 56).
- [15] ЎзМА, Р- 2456-жамғарма, 1 -рўйхат, 263-йиғмажилд, 50- varaқ; Шарипов Э., Бозоров Э. "Муқаддас" жойлар тўғрисида ҳақиқат Т.: Ўзбекистон. 1976. –Б. 17.(UzMA, R-2456-fund, 1-list, 263-collection, 50-sheet; Sharipov E., Vozorov E. The truth about "sacred" places Т .: Uzbekistan. 1976.–P. 17.)
- [16] “Ҳидоят” ойлик диний- ижтимоий, илмий- адабий нашр 2003 й 9 сон –Б.4 (“Hidoyat” monthly religious-social, scientific-literary edition 2003, issue 9. –P.4
- [17] ЎзМА. Р-2456-жамғарма, 1 -рўйхат, 710-йиғмажилд, 19- varaқ (UzMA. R-2456-fund, 1 -list, 710-collection, 19-sheet).

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№10 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000